

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАЪМУРОВ БАҲОДИР БАХШУЛЛАЕВИЧ

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА
ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора педагогических наук (DSc)**

**Contentsof dissertation abstract of doctor
on pedagogical sciences**

Маъмуров Баходир Бахшуллаевич

Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини
лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш тизими.....3

Маъмуров Баходир Бахшуллаевич

Система развития у будущих учителей навыков проектирования процесса
обучения на основе акмеологического подхода.....33

Маъмуров Баходир Бахшуллаевич

A system for the development of the teaching process design skills based on the
acmeological approach of future teachers.....63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....67

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАЪМУРОВ БАҲОДИР БАХШУЛЛАЕВИЧ

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА
ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/Ped31 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифанинг www.tgpu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Сафарова Рохат Гайбиллаевна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ибрагимов Холбой Ибрагимович**
педагогика фанлари доктори, профессор
Муслимов Нарзулло Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор
Маҳмудов Абдухалим Ҳамидович
педагогика фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел.: (99871) 255-80-86; факс: (99871) 256-76-51; e-mail: tgpu_kengash@edu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел.: (99871) 255-76-87; факс: (99871) 256-76-71;

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ да _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.С.Шарипов
Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Р.Г.Исянов
Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент.

Л.Р.Мўминова
Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., проф.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бўлажак ўқитувчиларни акмеологик ёндашув асосида касбий компетентлигини шакллантириш, уларнинг инновацион, креатив салоҳиятини ошириш, эгалланган педагогик-психологик билимлар асосида истиқболдаги касбий фаолияти учун зарур бўладиган лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш устувор масалалардан ҳисобланади. Етакчи илмий тадқиқот ва таълим муассасаларида ўқув жараёнини акмеологик ёндашув асосида лойиҳалаш ва бўлажак мутахассисларни муайян касбий фаолиятга тайёрлаш технологияларини ривожлантириш юқори касбий етукликка эришиш жараёнида этнопедагогик ва психологик кадриятларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Дунё миқёсида фан-техниканинг ривожланиши, глобал ахборот оқимларининг жадаллашуви, шахснинг касбий қобилиятини ривожлантиришга бўлган талабларнинг ортганлиги, бўлажак ўқитувчиларда ўқув жараёнини лойиҳалаш компетентлигини акмеологик ёндашув асосида ривожлантириш мазмуни ва технологиясини такомиллаштириш заруриятини кучайтирди. Олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларнинг таълим-тарбиявий фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг педагогик механизмларини коррекциялаш методларини қўллаш асосида такомиллаштириш, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маданиятини ривожлантирувчи таълим технологияларини лойиҳалаш кўникмаларини шакллантириш, талабаларнинг касбий тафаккурини инновацион технологиялар асосида ривожлантириш, аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда педагогик имкониятларни интеграциялаш ҳамда моделлаштиришнинг истиқболли йўналишларини тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Республикада юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий ва моддий-техник инфраструктураси, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг такомиллаштирилган ўқув-дидактик таъминоти модернизациялашмоқда. Бўлажак ўқитувчиларни касбий шакллантиришнинг миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга асосланган самарали механизмлари ишлаб чиқилди ва шахсга йўналтирилган таълимнинг устуворлиги таъминланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш асосида такомиллаштириш”¹ бўйича устувор вазифалар белгиланди. Бу эса ўз навбатида бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Strasbourg (Франция), Rheinische Friedrich-Wilhelms-Universität Bonn (Германия), Princeton university (АҚШ), Association for Educational Communications and Technology – AECT (АҚШ), Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university (Англия); Seoul National University, Puchong University, Yonsei University, Sungkyunkwan University, Pohang University of Science and Technology, Pusan National University, Chonbuk National University (Жанубий Корея), Мияги педагогика университети (Япония), Таълим академияси (Россия), Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Педагогика олий таълим муассасаларида акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини талабаларда ривожлантиришга оид қуйидаги илмий натижалар олинган: бўлажак ўқитувчиларни касбий

¹ Мазкур қисм қуйидаги манбалар асосида ёритилган: Bandura A. (Ed.). Self-efficacy in changing societies.–New York: Cambridge University Press, 1995.; John H. Holland Redwood City, California.–Addison-Wesley, 1998; Botcheva, L., Shih, J., Huffman, L. C. Emphasizing Cultural Competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L. Botcheva, J. Shih, L.C. Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. – P.176-188.

ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқишга доир халқаро ҳамкорликни амалга ошириш стратегиялари интеграция принципи асосида такомиллаштирилган (Pohang University of Science and Technology – Жанубий Корея); педагогика олий таълим муассасаси талабаларини ўқув жараёнини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш тизими креатив фаолликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқилган (Belfield pedagogical university); бўлажак ўқитувчиларни педагогик жараёнларни самарали ташкил этишга йўналтирилган таълим-тарбиявий вазифаларни лойиҳалаш, маънавий-ахлоқий билимларни турли тарбиявий вазиятларда қўллашни оптималлаштирадиган педагогик-психологик тренинглари тизими яратилган (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university); талабаларни касбий ривожлантиришнинг лойиҳавий-конструктив технологиялари ишлаб чиқилган (Chonbuk National University – Жанубий Корея); бўлажак педагог шахси маънавиятини шакллантиришнинг нейролингвистик дастурлаштириш технологияси такомиллаштирилган (Мягки педагогика университети); талабаларда касбий маданиятни тарбиялаш технологияси ишлаб чиқилган (Россия таълим академияси); бўлажак ўқитувчиларни касбий-шахсий ривожлантиришнинг педагогик тизими ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти).

Дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларида талабаларнинг касбий маданиятини ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: олий таълим тизимида таълим-тарбиявий фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришнинг педагогик механизмларини ташхислаш ва коррекциялаш асосида такомиллаштириш; бўлажак ўқитувчиларнинг касбий креатив фаолиятини акмеологик ёндашув асосида такомиллаштириш; бўлажак ўқитувчиларда педагогик жараёнларни лойиҳалаш кўникмасини шакллантириш механизмларини ишлаб чиқиш; аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда педагогик имкониятларни интеграциялаш асосида талабаларни педагогик жараёнларни ташкил этиш фаолиятига тайёрлашни моделлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўлажак ўқитувчиларда касбий-шахсий сифатларни шакллантириш, уларни истиқболдаги педагогик фаолиятга тайёрлаш, ўқитувчиларда инновацион, креатив тайёргарликни шакллантириш, улардаги касбий ижодкорлик кўникмаларини ривожлантириш масалалари Б.С.Абдуллаева, А.Р.Арипжанова, Н.Н.Азизходжаева, Ҳ.Абдукаримов, Р.Х.Джураев, Б.Р.Джураева, Х.И.Ибрагимов, Р.Г.Исянов, Н.А.Муслимов, У.Нишоналиев, Б.Х.Рахимов, Ў.Қ.Толипов, М.Б.Уразова, Ш.С.Шарипов, Н.Ш.Шодиев, Н.Ш.Эркабоева, Д.И.Юнусова, Ж.Ф.Йўлдошев, О.Қ.Ҳайдарова бўлажак ўқитувчиларни педагогик касбий фаолиятга тайёрлашнинг назарий ва амалий асослари, шарт-шароитлари, педагогик маҳоратнинг шаклланиш босқичлари Б.Р.Адизов, Р.Ш.Аҳлидинов, Ш.Р.Баротов, М.Г.Давлетшин, Ш.Қ.Мардонов, У.Қ.Мусаев, Р.Г.Сафарова, Н.С.Сафоев, Э.А.Сейтхалилов, Ғ.Б.Шоумаров, Ж.Ф.Йўлдошев, Ш.Э.Қурбонов, Э.Ғозиев шахсга йўналтирилган таълим жараёнининг

педагогик-психологик муаммолари А.А.Абдукодиров, У.Ш.Бегимкулов, Н.И.Тайлаковнинг¹ илмий ишларида тадқиқ этилган.

МДХ олимларидан А.А.Бодалев, А.Деркач, Н.В.Кузьмина, А.Реан, Е.Рыбалколар акмеологиянинг предмети, вазифалари, шахс фаолиятидаги аҳамияти ҳамда бўлажак мутахассислар камолотидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганганлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва бўлажак мутахассисларни

¹ Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (ижтимоий-гуманитар йўналишидаги академик-лицейларда математика ўқитиш мисолид) Пед.фан.док. дисс...автореф. Т.: - 2006. – 49 б.; Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.; Арипджанова А.Р. Развитие креативного потенциала педагогов высших образовательных учреждений в условиях информатизации образования. Пед. фан.док. (PhD) дисс... – Тошкент: 2017. – 179 б.; Абдукаримов Х. «Профессиональное воспитание личности учителя в процессе непрерывного педагогического образования» Автореф.дисс. ... докт. пед.наук.–Т.: 1997. – 46 с.; Джураев Р., Толипов У. Педагогик фаолият, технологиялар //Узлуксиз таълим. Т.: 2003. –№2. – Б.3-10.; Джураева Б.Р. Формирование педагогической культуры у будущих учителей в процессе профессиональной подготовки при изучении дисциплин педагогического цикла: Автореф. дисс...канд.пед.наук. – Ташкент, 2002. – 21 с.; Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2004. – 182 б.; Исянов Р.Г. Кластерный подход в формировании модульной компетентности преподавателей высших образовательных учреждений. – Ташкент: ТГПУ, 2014. – 69 с.; Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: РТМ, 2004. – 104 б.; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2007. – 357 б.; Нишоналиев У. Инновационные педагогические технологии обучения и развития. – В сб. материалов научно-практической конференции «Актуальные вопросы профессионального воспитания молодежи». – Алма-Ата: Респ. издат. каб. казахск. акад. образования им. И.Алтынсарина, 2000. – С. 235-240.; Рахимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчида касбий-маданий муносабатларнинг шаклланиши: Пед. фан. ном. дисс. ... автореферати. – Тошкент: 2002. – 22 б.; Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг таъбикий асослари. – Т.: Фан, 2006. – 247 б.; Уразова М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. Пед.фан.док...дисс. автореф. –Т., 2015. –Б 10-21.; Шарипов Ш.С. Касб-хунар таълимида ўқувчилар ижодкорлик қобилиятларини узлуксиз ривожлантириш. Монография. – Тошкент: Фан, 2005. – 140 б.; Шодиев Н.Ш. Студентларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш. – Т.: Ўқитувчи, 1987. – 230 б.; Эркабоева Н.Ш. Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда педагогик фикрлашларнинг ривожланиши: Пед. фан. докт. дисс. ... автореферати. –Тошкент: 2007. – 32 б.; Юнусова Д.И. Бўлажак математика ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш назарияси ва амалиёти. Пед.фан.док.дисс...автореф. Т.: - 2012. – 46 б.; Ҳайдарова О.Қ. Бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнида технологик ёндашувга тайёрлаш: Пед.фан.номз. ... дисс.автореф. – Т., 2004. – 23 б.; Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: Пед. фан.док. дисс. автореферати. – Тошкент: 2003.– 44 б.; Ахлиддинов Р.Ш. Умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштиришнинг таълимий-педагогик асослари: Дисс. ... пед. фан. ном. – Тошкент: 1998. – 145 б.; Баратов Ш.Р. Ўқитувчи социал интеллекти кўрсаткичлари ўртасида корреляцион муносабатлар таҳлили (касб-хунар коллежи ўқитувчилари мисолида) // “Психология” илмий журнали. – Бухоро, 2015. №1. – Б.84-91; Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 30 б.; Мардонов Ш. Янги таълимий кадрлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: “Фан”, 2006. – 226 б.; Мусаев У. Умумий ўрта таълим жараёнини либераллаштиришнинг ташкилий педагогик шарт-шароитлари. Пед. фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.: 2004. – 130 б.; Сафарова Р. ва б. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини кенгайтиришга йўналтирилган ўқув вазиятларини танлаш ва тизимлаштириш// Методик қўлланма. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2013. –12 б.т; Сафаев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодежи: Автореф. дисс.... докт.псих.наук. - Т.: 2006. - 38 с.; Курбанов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Управление качеством образования.- Т.: Шарк, 2004. – 592 с.; Шаумаров Г. Социально-психологические проблемы молодой семьи выпускников специальной школы для детей с задержкой психического развития: автореферат дисс. ... доктора психологических наук: 19.00.10 / НИИ дефектологии.- М., 1990.- 37 с.; Йўлдошев Ж.Ф. Таълим янгиланиш йўлида. – Т.: Ўқитувчи, 2000. – 207 б.; Курбанов Ш. Социально-педагогические особенности национальной модели и программы подготовки кадров: Автореф. дисс. ... докт.пед.наук. – Т.: 2000. – 51 с.; Ғозиев Э. Ўқитувчининг этнопсихологик хусусиятлари // Халқ таълими. Т., 1999. 1-сон. – Б.85-96; Абдукодиров А. Таълимда инновацион технологиялар. –Т.: Истеъдод, 2008. – 180 б.; Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахбороттехнологияларни жорий этишнинг илмий-назарий асослари. – Тошкент: Фан, 2007. –143 б.; Тайлаков Н.И. Узлуксиз таълим тизими учун информатикадан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг илмий-педагогик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 160 б.

лойихалаш фаолиятига тайёрлаш масалалари Е.С.Заир-Бек, И.А.Колесникова В.М.Монаховларнинг¹ ишларида ўз аксини топган.

Хорижлик олимлар Б.Мюнстерберг, Д.Холланд, Д.Сьюперлар шахснинг кабий жиҳатдан юқори даражада етукликка эришиш муаммоларини ўрганган бўлсалар, шахснинг касбий мартабага эга бўлиш жараёни ва унинг педагогик-психологик жиҳатларини А.Г.Маслоу, Л.Зонди, А.Бандура, Дж.Роттерлар² тадқиқ этишган.

Қайд этилган тадқиқотларда бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга акмеологик ёндашув асосида тайёрлаш, уларнинг таълим жараёнини лойихалашга оид кўникмаларини шакллантириш, педагогик тафаккурини ривожлантириш, уларда ўз касбий фаолиятга нисбатан ижобий муносабатни таркиб топтиришнинг айрим жиҳатлари очиб берилган, бироқ “Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойихалаш кўникмаларини ривожлантириш тизими” мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда амалга оширилган Ф1-ХТ-1-31247 –рақамли “Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” ҳамда Ф1-ХТ-1-55237–рақамли “Педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялаш параметрлари” фундаментал лойихалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида ўқув жараёнини лойихалаш кўникмаларини ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитлари, мазмуни, механизмлари ва педагогик тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга жорий этишга оид илмий тавсиялар яратишдан иборат.

¹Бодалев А.А., Васина Н.В.. Акмеология. Настоящий человек. Каков он и как им становятся? //Спб.: Речь, 2010. – 224 с.; Деркач А.. Акмеологические основы развития профессионала.– М.: Московский психолого-социальный институт, НПО МОДЭК, 2004.; Кузьмина Н.В. Акмеологические основы развития коммуникативной культуры и творческой готовности бакалавра, магистра, специалиста: монография. – СПб.: Изд-во НУ «Центр стратегических исследований», 2015. – 316 с.; Реан А., Рыбалко Е. Проблемы общей акмеологии. –СПб.: Санкт-Петербургский университет, 2002.; Заир-Бек Е.С. Теоретические основы обучения педагогическому проектированию: Дис. ... д-ра пед. наук. – СПб., 1995. – 410 с.; Колесникова И.А. Педагогическое проектирование: Учеб. пособие для высш. учеб. – М: Издательский центр «Академия», 2005. – 288 с.; В.М.Монахов. Проектирование и внедрение новых технологий обучения // Сов. педагогика. 1990. №7. – С.17-22.

²Мюнстерберг Г. Основы психотехники. - Москва. 1924 г. С.109-110.; John H. Holland Redwood City, California.–Addison-Wesley, 1998; Сьюпер Д. // Психология: Биографический библиографический словарь / Под ред. Н.Шихи, Э.Дж.Чепмана, У.А.Конроя. СПб.: Евразия, 1999; Bandura A. (Ed.). Self-efficacy in changing societies. – New York: Cambridge University Press, 1995, Аномальный круг профессий // ПЕРСОНАЛ-PROFY : журнал. – Екатеринбург, 2000, № 2. - Часть 1. - С.38; Маслоу А. Дальние пределы человеческой психики. – СПб.: Евразия, 1997. – 430 с.; Роттер Дж., Салливан Г., Мишел У.Теория межличностных отношений и когнитивные теории личности. Издательство: «Прайм-Еврознак», 2007. – 128 с.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак ўқитувчиларни акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалашга тайёрлаш касбий педагогик зарурият эканлигини асослаш;

бўлажак ўқитувчиларни акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалашга тайёрлашнинг дидактик хусусиятларини аниқлаш;

олий педагогик таълим жараёнида акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини шакллантиришнинг сифат даражасини аниқлаш усулларини белгилаш;

бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид фаолиятларини ташхислаш принципларини ишлаб чиқиш;

бўлажак ўқитувчиларни ижодий характердаги касбий фаолиятга тайёрлашга оид замонавий ёндашувлар ва хорижий тажрибалардан фойдаланишга оид илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим тизимининг педагогика ва психология, мактабгача ва бошланғич таълим йўналишларида акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш жараёни сифатида белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришнинг мазмуни, воситалари, методларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий-методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, кузатиш, социометрик (суҳбат, анкета, тест, интервью), педагогик ташхис, тажриба-синов, психологик-педагогик ҳодисаларнинг тизимли таҳлили, мониторинг, математик-статистик таҳлил, натижаларни умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

акмеологик ёндашувга таянган ҳолда, бўлажак ўқитувчиларни ўқув жараёнини лойиҳалашга оид педагогик фаолиятга тайёрлашнинг таркибий қисмлари (янгилик яратишга интилувчанлик, педагогик вазифаларни оқилона ҳал этиш, ўз фаолиятини мустақил лойиҳалай олиш) касбий ижодий вазифаларни ҳал этишга имкон берувчи фикрий вазиятларни ташкил этиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда ўқув жараёнини лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш технологиясининг ташкилий шакллари (тадқиқотчилик, мустақил изланиш, вазиятларни лойиҳалаштира олиш, моделлаштириш, ягона эталонга келтириш, конструкциялаш) лойиҳалаш алгоритм-йўриқномаларни (дарснинг ўқув мақсадлари, дарс жараёни мазмуни, ўқитиш жараёни) ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда шахсга йўналтирилган таълим жараёнини конструктив лойиҳалаш кўникмаларини когнитив қобилиятлар (билимларни ривожлантириш, ўзининг қарашлари, эътиқоди, лаёқати)нинг мавжуд

даражасини акмеологик характердаги алгоритмик-йўриқномаларни қўллаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларда ўқув жараёнини лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш тизими касбий креатив фаолликни шакллантириш принципига устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнини лойиҳалашга тайёрлашнинг етакчи педагогик омиллари (дидактик вазиятларни лойиҳалаштириш, ўқув жараёнини аниқ лойиҳалар асосида ташкил этиш, билимларни мустақкамлаш вазиятларини ишлаб чиқиш, қулай педагогик шарт-шароитларни излаб топиш, илғор халқаро тажрибалар) шахсга йўналтирилган таълим жараёнига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

бўлажак ўқитувчиларни ижодий характердаги касбий фаолиятга тайёрлашга оид замонавий ёндашувлар ва хорижий тажрибалар ҳамда улардан фойдаланишга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш ва унинг сифатини аниқлаш усуллари танланган;

бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид касбий фаолиятларини ташхислаш принциплари ва йўналишлари такомиллаштирилган;

акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш тизими модернизациялаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: тадқиқ этилаётган муаммога фалсафий ҳамда илмий-педагогик ёндашув тадқиқот мақсади, объекти, предмети, вазибаларига мос келувчи методлар мажмуасидан фойдаланилганлиги, тажриба-синовга жалб этилган олий таълим муассасалари сони талаб даражасида эканлиги, тажриба-синов натижалари статистик маълумотларга таянилганлиги ва математик статистик жиҳатдан қайта ишланганлиги ҳамда мавзу юзасидан чоп этилган ишлар мазмунига кўра тасдиқланади. Шунингдек, тадқиқот муаммосига тизимли ва изчил ёндашув, лойиҳалашнинг мантикийлиги, тажриба-синов натижалари ва уларнинг педагогик тадқиқотларга қўйиладиган замонавий талабларга мослиги, МДХнинг етакчи таълим муассасаларида стажировка ўташ ҳамда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалашни бевосита амалга ошириш билан тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида педагогика фани акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришга оид илмий-педагогик қарашлар, назарий ёндашувлар билан бойитилди. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш жараёнининг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, технологиялари, уни ташкил этиш йўллари,

шакл ва методлари, ўқув-билув жараёнини ташкил этишга оид илмий-методик тавсиялардан таълим жараёнида фойдаланилди.

Диссертация ишида илмий-амалий асосланган ёндашув ва тавсиялардан олий педагогик таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш жараёнини ташкил этиш, мазмунини бойитиш, сифат ва самарадорлигини таъминлаш ҳамда олий педагогик таълим муассасаларининг педагогик туркум фанлари бўйича дарсликлар, маъруза матнлари, махсус курсларнинг мазмуни, янги ўқув материаллари, бўлажак ўқитувчининг маҳоратини такомиллаштиришга доир йўриқномалар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олинган илмий натижалар қуйидаги ишлар орқали амалиётга татбиқ қилинган:

бакалаврият таълим йўналишлари: педагогика ва психология, мактабгача ва бошланғич таълим ҳамда магистратуранинг педагогика, бошланғич таълим, жисмоний маданият мутахассисликлари давлат таълим стандарти (“Ўзстандарт” агентлигида 2015 йилда O`z.DSt 36.1998:2015-қайд рақами билан рўйхатга олинган) мазмунига акмеологик ёндашув асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш бўйича тавсиялар киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 30.08.2017 йил 89-03-1757-сонли маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларда таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг акмеологик модели когнитив қобилиятлар (билимларни ривожлантириш, ўзининг қарашлари, эътиқоди, лаёқати)нинг мавжуд даражасини ташхислаш ва коррекциялаш методларини қўллаш асосида такомиллаштирилган.

“Педагогика” энциклопедиясининг I, II, III жилдларида (“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти томонидан 2015-2017 йилларда чоп этилган) акмеологик ёндашувга оид муаллифлик ҳоқларига таянган ҳолда мавзу доирасида педагогик атамаларнинг мазмуни ёритилган. Натижада бўлажак ўқитувчиларда ўқув жараёнини лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш тизими касбий креатив фаолликни шакллантириш принципи асосида ишлаб чиқилган, бўлажак ўқитувчиларни акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалашга тайёрлашнинг етакчи педагогик омиллари (дидактик вазиятларни лойиҳалаштириш, ўқув жараёнини аниқ лойиҳалар асосида ташкил этиш, билимларни мустаҳкамлаш вазиятларини ишлаб чиқиш, қулай педагогик шарт-шароитларни излаб топиш, илғор халқаро тажрибалар) шахсга йўналтирилган таълим жараёнига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган.

Тадқиқот натижасида олий педагогик таълим жараёнида педагогика назарияси курсини бойитишга хизмат қиладиган илмий ёндашувларни ўз ичига олган “Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш тизими” ва “Акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлаш” номли монографиялар яратилиб, илмий жамоатчилик орасида

оммалаштирилган. Мазкур монографияларда баён қилинган назарий ёндашувлардан педагогика назарияси ва амалиётдан ўқув ресурсларини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 30.08.2017 йил 89-03-1757-сонли маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларни акмеологик ёндашувга таянган ҳолда ўқув жараёнини лойиҳалашга оид педагогик фаолиятга тайёрлашнинг таркибий қисмлари (янгилик яратишга интилувчанлик, педагогик вазифаларни оқилона ҳал этиш, ўз фаолиятини мустақил лойиҳалай олиш) касбий ижодий вазифаларни ҳал этишга имкон берувчи фикрий вазиятларни ташкил этиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни 5та халқаро, 21та республика миқёсида ўтказилган анжуманларда муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқотининг асосий ғоя ва натижалари 2та монография, 15та мақола, шундан 4та хорижий, 11та ОАК тассаруфидаги республикамиз илмий журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 4 боб, 11 параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унинг асосий матни 248 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий асослари”** номли биринчи бобида бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш – касбий педагогик зарурият сифатида асосланган. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик йўналишлари, бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш соҳасидаги халқаро тажрибалар ва улардан фойдаланиш имкониятлари ёритилган.

Акмеологиянинг илмий асосини инсоннинг индивид, шахс ва ўз ҳаётий фаолиятининг субъекти сифатида ривожланишига оид билимлар мажмуи ташкил этиши назарий жиҳатдан асосланган. Акмеологик ёндашувлар доирасига қуйидагилар қиради: ривожланаётган инсоннинг яхлит ҳодиса

сифатида объектив борлиқ билан ўзаро алоқаси ва муносабатларини ўрганиш; ҳар бир таълим олувчининг шахсий-касбий юксакликка интилиши, ўз шахсий-касбий сифатларини такомиллаштиришга эришиши, муваффақият қозониши, етуклик ва маданий савиясини юксалтириши ва маънавий-ахлоқий кадриятларга асосланган ҳолда, ўз-ўзини ривожлантириши натижасида истиқболдаги фаолиятининг сифатини таъминлаш, бўлажак ўқитувчиларнинг кизиқарли ва маҳсулдор яратувчилик фаолиятини ташкил этиш, ҳар бир таълим олувчининг лаёқатини эътироф этиш, жамоа аъзолари томонидан уларнинг муваффақиятларини тан олиш, тўлақонлилик ва ўз эҳтиёжларини қондира олиш ҳиссига эга бўлиш, ижодий гуруҳлар билан ҳамкорлик қилиш имконини берадиган коммуникатив кўникмалар ҳамда ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш кабилардир.

Акмеологик ёндашувга таянган ҳолда, бўлажак ўқитувчиларда шахсга йўналтирилган таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш қуйидагиларни амалга оширишни тақозо этади: олий педагогик таълим жараёни субъектларини касбий фаолиятга тайёрлаш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш; олий педагогик таълим жараёни субъектларининг ўз касбий фаолиятларини онгли тарзда ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш; олий педагогик таълим жараёни субъектларининг саломатликларини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш; олий педагогик таълим жараёнини анъанавий фаолият кўрсатиш тартибидан таълим олувчиларни касбий жиҳатдан ривожлантириш функциясини бажаришга ўтказиш; олий педагогик таълим жараёнининг барча субъектларида билишга интилиш майлларини фаоллаштириш; касбий билим, кўникма, малака ва компетенцияларни пухта ўзлаштиришларини олий педагогик таълим жараёни субъектларининг ички эҳтиёжига айлантириш; олий педагогик таълим жараёни субъектларини объектив борлиқни ижодий тарзда қайта ҳис этишга ўргатиш, шу асосда уларнинг эстетик диди ва креатив фаолиятини ривожлантириш кабилар.

Олий педагогик таълим жараёнида акмеологик ёндашувни муваффақиятли татбиқ қилиш учун таълим жараёни субъектларидан барча жараёнларни ўзаро алоқадорликда кўриб чиқиш кўникмасига эга бўлиш талаб этилади. Муаммоларни кўра олиш, уларни ҳал этиш йўлларини излаш, ҳаракат натижаларини таҳлил қилиш лаёқатига эга бўлиш олий педагогик таълим жараёни субъектлари учун муҳим ҳисобланади. Бунинг учун таълим жараёни субъектлари ўзлари эришган нуктада тўхтаб қолмасликлари, мунтазам ривожланиш сари интилишлари лозим.

Фикримизча, акмеологик ёндашувнинг асосий мақсади олий педагогик таълим жараёни субъектларини мунтазам ривожлантириш, бўлажак мутахассисларнинг ижтимоий етукликлари, шахсий-касбий жиҳатдан ўз мавқеларини аниқлашга тайёрликларини таъминлашдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, замонавий олий педагогик таълим муҳитида ўқув жараёни акмеологик ёндашув билан бойитилиши лозим. Бу жараёнда

бўлажак ўқитувчи ривожланиш, такомиллашиш имкониятига эга бўлади, касбий фаолият такомилли сари интилади.

Олий педагогик таълим жараёни субъектларида акмеологик ёндашув асосида педагогик тафаккурни муваффақиятли ривожлантиришга йўналтирилган таълим мазмунини модернизациялашда қуйидагиларни ҳисобга олиш талаб этилади: олий педагогик таълим жараёни субъектларининг реал ўқув имкониятларини аниқлаш мақсадида акмеологик характердаги ташхислаш тадбирларини ўтказиш, шу асосда уларнинг ўқув имкониятлари, касбий майллари, қизиқишлари, кадриятлари, истикболдаги педагогик фаолиятларида қўлланиладиган билимлар кўламини аниқлаш; ўқув жараёнида педагогик тафаккурнинг самарали ривожланишига имкон берадиган қулай педагогик воситаларни танлаш; ўқитишнинг интерфаол методлари ва ташкилий шаклларига кенг ўрин ажратиш асосида олий педагогик таълим жараёни субъектларининг шахсий-касбий мавқеларини мустаҳкамлаш учун қулай ўқув вазиятларини ташкил этишни назарда тутиш; педагогик тафаккурнинг ривожланишида олий педагогик таълим жараёни субъектларининг, топшириқларнинг турли шакллари, манбалар ҳамда маъруза матнларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш кабилар.

Бўлажак ўқитувчилар таълим жараёнини муваффақиятли лойиҳалаштириш ва ташкил этиш тажрибасига эга бўлишлари учун биринчи навбатда таълим олдида турган ижтимоий буюртма: унинг умумий ва хусусий мақсадлари, фан-техника ютуқлари, жамият эҳтиёжи, шахс тараққиёти қонуниятларини яхши ўзлаштирган бўлишлари лозим. Бунинг учун уларда креативлик, таҳлилий тафаккур, ўқитувчилик касбига мойиллик, инсонпарварлик, ҳамкорлик муҳитини вужудга келтира олиш, жамоавий фикрни ҳурмат қилиш каби сифатлар барқарор ривожланган бўлиши керак.

Бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнини лойиҳалаштиришга тайёрлашнинг илмий педагогик асосларини яратиш учун бир қатор муаммоларни ечиш талаб қилинмоқда: шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштиришнинг дидактик хусусиятларини аниқлаш; ўқув-билиш жараёнида бўлажак ўқитувчиларда ўқувчиларга нисбатан кадрият даражасидаги муносабатда бўлиш тажрибасини қарор топтириш; бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўп йўналишли ўқув-билиш жараёнини лойиҳалашга тайёрлаш; бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнининг концептуал асослари ва шахсга йўналтирилган таълим технологиялари билан қуроллантириш кабилар.

Бўлажак ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштиришга тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: бўлажак ўқитувчиларни ўқув-билиш жараёнини лойиҳалаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари билан таништириш; бўлажак ўқитувчиларда шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисмлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш; талабаларда шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнида ўқувчи ҳамда ўқитувчи ҳамкорлигини йўлга қўйиш усуллари ҳақидаги билимларни сингдириш, кўникма ва малакаларни ҳосил

қилиш; бўлажак ўқитувчиларда ўқувчиларнинг ўқув-билиш натижаларини бошқариш ва назорат қилишга оид билимларни тақдим этиш; бўлажак ўқитувчиларда шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнида асосий субъект сифатида фаолият кўрсатиш тажрибасини ҳосил қилиш кабилар.

Бўлажак ўқитувчилар томонидан ўз ривожланиш траекторияларини шакллантириш, ўзларини ижодий ривожлантиришга қаратилган фаолиятини лойиҳалаштира олиш кўникмаларини шакллантириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши керак: ўқувчиларнинг ўз дунёқараши ва фаолияти ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш; ўқувчиларнинг ўз эҳтиёжлари, майллари, одатлари, лаёқатларини тўғри баҳолай олишларига имконият яратиш; ўқувчиларнинг ўз касбий мойилликлари, қизиқишлари ва лаёқатларини аниқлашга кўмаклашиш; ўқувчиларнинг ўз касбий танловларини аниқлашларига хизмат қиладиган фикрий фаолиятларини кенгайтириш; ўқувчиларда ўз-ўзларини тарбиялаш, мустақил билим олиш, ривожланиш ҳамда такомиллашиш истагини уйғотиш; ҳар бир ўқувчини хулқ-атворидаги салбий ҳолатларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида чуқур ўрганиш; ўқувчиларнинг ўзларидаги муайян сифатларни аниқлашларига хизмат қиладиган методлар ва усуллар билан таништириш кабилар.

Шунингдек, дунёнинг таълим тизими ривожланган мамлакатларида ўқитувчилар тайёрлашнинг узлуксиз характериға эға бўлган турли моделларига амал қилинаётганлигини кузатамиз. Ушбу йўналишда соға мутахассислари янғидан-янғи моделларни ишлаб чиқишга астойдил киришганларига гувоҳ бўламиз. Амалда мавжуд бўлган ва изланиш объекти сифатида хизмат қилаётган моделларни яратишдан кўзланаётган асосий мақсад – ўқитувчилар тайёрлаш сифатини ошириш, уларда узлуксиз таълим жараёнида самарали ижодий фаолият кўрсатиш эҳтиёжини вужудға келтириш, педагогик фаолият маҳоратини эғаллашға қизиқтириш ва ўз маҳоратини мунтазам ошириш истагини барқарорлаштиришдан иборат.

Иккинчи боб **“Бўлажак ўқитувчиларни акмеологик ёндашув асосида шахсға йўналтирилган таълим жараёнини лойиҳалашға тайёрлашнинг педагогик имкониятлари”** деб номланган, унда бўлажак ўқитувчиларни лойиҳалаш фаолиятиға тайёрлаш жараёнининг мазмуни келтирилган. Шунингдек, бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини шакллантириш усуллари ва методлари, акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда шакллантирилган касбий билим ва кўникмаларнинг сифати ёритилган.

Мазкур бобда бўлажак ўқитувчиларда ўқув жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини шакллантириш фаолиятининг мазмуни ва амалға ошириш принциплари баён қилинган. Ушбу жараён қуйидаги принциплар асосида ташкил этилиши мақсадға мувофиқ: педагогик жараённинг талабаларни касбий ривожланишларига хизмат қила олишиға эришиш; педагогик жараёнларда талабаларға ўз касбий ривожланишларини мустақил ташхислаш ва баҳолаш имкониятларини яратиш; профессор-ўқитувчилар ва талабалар,

шунингдек, талабалар билан талабалар орасида ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳамкорлик, касбий ривожланиш чўққисига интилиш, ишчан мулоқотга киришиш учун қулай педагогик шароит яратиш; талабаларнинг ўз-ўзлари ва бир-бирларини баҳолаш имкониятларини кенгайтириш; таълим-тарбия жараёнида муаммоларни ҳал этиш вазиятининг мавжудлигига эришиш; педагогик амалиёт жараёнида талабаларнинг мустақил касбий фаолият кўрсатишлари учун кенг йўл очиш.

Бўлажак ўқитувчиларни акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалашни амалга оширишга тайёрлаш иккита ўзаро алоқадор бўлган, чамбарчас боғланган босқични ўз ичига олади: 1) аниқ бир дарс лойиҳасини ижодий режалаштириш; 2) муайян мавзу асосида ташкил этиладиган ўқув жараёнини лойиҳалаштириш ва ҳар бир дарсни мазкур лойиҳа асосида ташкил этишни назарда тутиш.

Акмеологик ёндашув асосида дарсни лойиҳалаштириш, уни ташкил этиш технологиясини ишлаб чиқишда иккита муҳим ҳолатга таянилади: 1) дарснинг мақсади, унинг босқичлари ва амалга ошириладиган ҳаракатлар устида ўйлаш; 2) дарснинг муайян лойиҳасини яратишда ўқитувчи ўз дафтарида қайд этган қайдномаларга таяниш ва бунинг учун дарснинг яхлит педагогик тизим эканлигини ҳисобга олиши лозим.

Дарснинг муваффақияти нафақат ўқитувчининг унга астойдил тайёрланиши, балки ўқувчиларнинг дарсга тайёргарликлари ҳамда дарс лойиҳасининг муваффақиятли тузилганлигига ҳам боғлиқдир. Айтиб бериш керакки, мавзудаги дарслар тизимида ўқувчиларни навбатдаги дарсга тайёрлаш қуйидагиларни ўз ичига олади: ўқувчиларни навбатдаги дарсда амалга оширадиган ишлари режаси билан таништириш; ўқувчиларни дарсликнинг алоҳида мавзулари ёки бўлимлари билан таништиришга йўллаш; ўқувчиларнинг янги ўқув материалларини ўзлаштириш имконини берадиган тажрибаларни ўрганишларига шароит яратиш.

Ҳозирги даврда таълим сифатига бир қатор ижтимоий, маданий омиллар бевосита таъсир кўрсатади. Бўлажак ўқитувчилар ўқув жараёнини лойиҳалаш кўникмасини пухта эгаллашлари учун худди мана шу омилларни яхши билишлари керак. Улар қуйидагилардан иборат:

– жамият ҳаётининг юқори даражада ахборотлашганлиги. Бу ранг-баранг ахборотлар ёрдамида бўлажак мутахассиснинг ўз билимларини лойиҳалаштириши демакдир;

– очиқ характердаги фуқаролик жамиятининг шаклланганлиги. Табиийки, у шахснинг мавжуд имкониятларини намоён қилиш муҳитини сезиларли даражада кенгайтиради, шу билан бир қаторда, кўплаб индивидуал воситаларнинг ўзаро уйғунлашувини таъминлайди;

– Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланганлиги. Бу мутахассиснинг ўз ҳаётининг фаолиятини амалга ошириши учун сезиларли даражада мустақилликка эга бўлишини таъминлайди;

– янгича касбий маҳоратга эга бўлган шахснинг шаклланиши. Бундай мутахассислар ўзининг фаоллиги, мустақил фикрлаши, масъулиятлилиги, қатъий

қарорлар қабул қила олиш лаёқатига эгаллиги, танловга асосланган ҳаракатларининг маънавий асосларини баҳолай олиши билан алоҳида аҳамият касб этади;

–инсонда бутун ҳаёти давомида касбий ривожланиш имкониятининг яратилганлиги. Бунда инсон бутун ҳаёти давомида билим эгаллаш ва ўз касбий лаёқатларини ривожлантириш имкониятига эга бўлади.

Бўлажак ўқитувчилар фаолиятининг мазмуни ўқув йили давомида ўзлари эгаллаган касбий билимларни ташхислаш асосида аниқлаш, уларнинг фаолият рейтингини ҳисоблашни ўз ичига олади. Бўлажак ўқитувчилар илмий-методик фаолиятини қуйидаги мезонлар асосида баҳолаш мақсадга мувофиқдир: 1) ўқитиладиган фан бўйича талабанинг дарсдан ташқари вақтларда амалга оширадиган фаолияти мазмунининг намоён бўлиши; 2) бўлажак ўқитувчининг замонавий педагогик технологияларни ўзлаштирганлиги; 3) талабалар томонидан ўзлаштирилган педагогик билимларнинг илғор тажрибалар билан уйғунлашганлиги; 4) талабаларда ўз педагогик билимларини мустақил ошириш соҳасидаги ҳаракатларнинг намоён бўлиши; 5) талабаларнинг ўз касбига оид илғор халқаро тажрибаларни ўзлаштирганлиги; 6) талабалар орасида ўтказиладиган турли танловлар, олимпиадалар ва конференцияларда иштирок этганликлари; 7) талабаларнинг педагогик амалиётдаги иштироклари даражасининг ифодаланганлиги кабилар.

Бўлажак ўқитувчиларда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш кўникмаларининг ҳосил бўлганлиги қуйидаги кўрсаткичларда ўз ифодасини топади: талабаларнинг педагогик тадқиқотларга кенг жалб этилиши; янги имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг фаолиятларини лойиҳалаштиришлари ва унинг натижаларини баҳолай олишлари; замонавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда кафолатланган натижага эришиш йўллари аниқ билишлари ва уни самарали лойиҳалаштира олишлари; талабалар педагогик амалиёт жараёнида очиқ дарсларни ташкил этиш ва ўтказа олиш тажрибасига эга бўлишлари.

Шу билан бир қаторда, бўлажак ўқитувчилар қуйидаги кўникмаларга ҳам эга бўлишлари керак: ўзлаштирган педагогик билимларини педагогик амалиёт, турли танловлар, конференциялар жараёнида намоён қилиш; ўзлаштирган педагогик тажрибаларини эгаллаган билимлари билан уйғунлаштириш; ўзининг касбий билимларини мустақил ошириш мақсадида изланишлар олиб бориш, тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш.

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик ҳамкорлик имкониятларини эгаллаганлик даражалари қуйидагиларда намоён бўлади: бўлажак ўқитувчиларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўзлаштириш имкониятлари кенгайди, педагогик амалиёт жараёнида илғор ўқитувчилар ҳамкорликка киришадилар ҳамда ҳамкорлик асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш билан боғлиқ касбий кўникмаларни эгаллашга муваффақ бўладилар.

“Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш компетенцияларини шакллантириш жараёни”

деб номланган учинчи бобда бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида шахсга йўналтирилган таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришнинг дидактик хусусиятлари, бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалашга оид касбий фаолиятларини ташхислаш принциплари ва усуллари, бўлажак ўқитувчиларда лойиҳалаш кўникмаларини шакллантириш жараёнининг йўналишлари ва шакллари баён қилинган.

Олий таълим амалиётида билимларни ўзлаштириш самарадорлигини аниқлашга оид турли-туман ёндашувларнинг мавжудлигига қарамасдан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билимларини баҳолаш уларнинг дастур материалларини қай даражада ўзлаштирганликларига асосланган ҳолда амалга оширилади. Бунда бўлажак ўқитувчилар эгаллаган касбий билимларнинг сифатига эътибор қаратилади. Бўлажак ўқитувчиларнинг ўзлаштириш даражалари сифатини аниқлашда қуйидагилар ҳисобга олинади: а) ўзлаштирилган касбий билимларни қайта эслаш; б) уларни педагогик амалиётда қўллай олиш тажрибасига эга бўлиш; в) эгалланган билимларни янги ўқув вазиятларига кўчира олиш.


Бўлажак ўқитувчилар томонидан таълим жараёнини самарали лойиҳалаштириш ва ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад – ўқувчиларни узлуксиз тарзда интеллектуал, маънавий-ахлоқий, жисмоний-эстетик ривожлантиришдан иборат. Ўқитувчи ўқувчилар билан шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқув мақсадига эришиш учун биргаликда изланишлар олиб бориши керак. Бунинг учун ўқитувчида касбий тайёргарлик жараёнидаёқ креативлик, ўз фаолитини таҳлил қилиш, масъулиятлилиқ, толерантлик, қизиқувчанлик, эмпатия, касбий компетентлик каби сифатлар барқарорлашган бўлиши лозим.

Дидактик тизимлар, дидактик жараёнлар ва дидактик вазиятлар педагогнинг лойиҳалаш объекти ҳисобланар экан, таълим жараёнини лойиҳалаш деганда педагогнинг дидактик тизимлар ва жараёнлар моделини яратиш ҳамда амалга ошириш бўйича кўп босқичли мураккаб фаолияти тушунилади.

Ўқув предметларини лойиҳалаш бўйича ўқитувчининг касбий фаолиятида ўзаро алоқадорликдаги қуйидаги босқичларни ажратиш мумкин: моделлаштириш ↔ лойиҳалаш ↔ конструкциялаш. Акмеологик ёндашув асосида талабаларда лойиҳалаш кўникмаларини шакллантиришда конструктив-лойиҳалаш методи асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг аниқ бир дарс жараёнини лойиҳалашлари учун муайян дидактик жараён лойиҳа тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш кўникма ва малакаларини шакллантириш талаб этилади.

Шунга кўра, бўлажак ўқитувчиларда ўқув-тарбия жараёнини бошқариш ва самарали ташкил этишга йўналтирилган, алгоритм-йўриқномалар (алгоритмик асосда ўқув жараёнини лойиҳалашга қаратилган кўрсатма) ишлаб чиқилди ва педагогик таълим амалиётига татбиқ этилди (1-, 2-, 3-расмлар).



1-расм. Дарсинг ўқув мақсадлари мазмунини лойиҳалаш бўйича алгоритм-йўриқнома




2-расм. Дарс жараёни мазмунини лойиҳалаш алгоритм-йўриқномаси



3-расм. Ўқитиш жараёнини лойиҳалаш моделининг алгоритмик йўриқномаси

Бўлажак ўқитувчилар ўзлаштириш даражаларини аниқлашнинг юқоридаги тизими касбий лаёқатлари даражасини ойдинлаштириш имконини беради, ўзлаштирган билимларнинг мазмунини аниқлаш, улар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашади. Бўлажак ўқитувчиларнинг эгаллаган касбий билимлари аксарият ҳолларда нисбий характерга эга. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели қуйида ўз ифодасини топган. (4-расм).



4-расм. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини аниқлашда қуйидаги йўналишларга таянилади: 1) ўзлаштирилган билимларни хотирада қайта тиклаш; 2) ўзлаштирилган билимларни амалий фаолиятда қўллаш, жумладан, шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда, ўқувчиларни аклий ривожлантириш мақсадида ижодий топшириқларни танлаш; 3) эгалланган билимларни ностандарт вазиятларда қўллай олиш кабилар.

Бўлажак ўқитувчилар ўқув жараёнини лойиҳалаштириш тажрибасини ўзлаштиришларида қуйидагиларга ҳам алоҳида эътибор қаратишлари зарур: 1) ўқувчиларда мавжуд бўлган билим, кўникма, малака ва компетенциялардан фойдаланиш жараёнининг характерини тасаввур қилиш; 2) билимларни самарали ва ижодий жиҳатдан қулай ўзлаштириш имконини берадиган ўқув ишларини бажариш усуллари билан уларни қуроллантириш;

3) ўқувчилар томонидан қўлланилган усулларнинг самарадорлигини тавсифлай билиш; 4) ўқувчиларнинг шахсий ташаббусларига асосланган ҳолда уларнинг билимларни ўзлаштириш эҳтиёжларини аниқлаш кабилар. Худди шу асосда ўзларининг истиқболдаги педагогик фаолиятларини назорат қилишлари ва унга тузатишлар киритиш кўникмасига эга бўлишлари, ўқувчиларнинг ўқув ҳаракатларини мустақил баҳолаш ва такомиллаштириш йўллари билишлари лозим.

Дидактик лойиҳада ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини назорат қилишнинг қуйидаги усуллари ўз ифодасини топиши лозим: ўқитувчилар ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини узлуксиз тарзда назорат қилишлари. Бунинг учун улар ўқув жараёнида тақдим этиладиган билимларнинг узвийлиги ва узлуксизлигига риоя этишлари керак; ўқувчилар билимини баҳолаш мезонлари уларнинг ўқув материаллари билан ишлаш усулларини аниқлашга хизмат қилишига эътибор қаратишлари. Ўқув жараёни лойиҳасида ҳар бир мезон аниқ кўрсатилиши, бунда уларнинг ўқув жараёни амалиётида умумий тарзда қўлланишига эътибор қаратилиши зарур; ўқувчиларнинг билимини назорат қилиш натижалари унинг якуний шаклларига мувофиқ келишини таъминлаш ва ҳар бир дарсда амалга ошириладиган назоратнинг кичик шакллари ўзида мужассамлаштириш. Лойиҳада назоратнинг якуний шакллари аниқ чегараланиши ва кенгайтирилмаслиги лозим; ўзлаштириш натижаларини назорат қилиш фақатгина ўқитувчининг вазифаси бўлибгина қолмасдан таълим жараёни субъектлари, яъни ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасида тенг тақсимланиши лойиҳада назарда тутилиши керак.

Бўлажак ўқитувчи таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш тажрибасини эгаллашда худди мана шундай вазиятларни ташкил этиш кўникмасини ҳам ўзлаштириши муҳим касбий аҳамиятга эга. Бунинг учун бўлажак ўқитувчи ўқувчиларни ижодий фаолият кўрсатишга ундайдиган ўқув топшириқларини танлай билиши ва мақсадга мувофиқ тарзда лойиҳалаштира олиши керак. Чунки мазкур турдаги ўқув топшириқлари ўқувчиларнинг узлуксиз ривожланишларини башорат қилиш ва ушбу жараённи самарали бошқариш имконини беради.

Мазкур ёндашувлар асосида ташкил этиладиган шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар уларнинг топшириқларни бажаришга қаратилган амалий ҳаракатларида намоён бўлди. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчилар уларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш жараёнида ўқув топшириқларини бажариш имкониятларини аниқ баҳолаш тажрибасига ҳам эга бўлишлари керак.

Дарсни лойиҳалаштириш жараёнида ўқув мақсадларини аниқлаш учун бўлажак ўқитувчилар бир қатор талабларга риоя қилишлари зарурлиги уларга ўқитилди, жумладан, 1. Ўрганилаётган мавзунини атрофлича таҳлил қилишлари, дарс мавзусига мос тарзда ўқув материалларини танлашлари ва тизимлаштиришлари, бу жараёнда ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини янгилари билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратишлари. 2. Дарсда

ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари учун тақдим этиладиган ўқув материалларини аниқ белгилаб олишлари, ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари зарур бўлган билимлар, ахборотлар, қоидаларни алоҳида ажратиб кўрсатишлари, уларнинг билим, кўникма ва малакалари қайси ўқув материаллари асосида шакллантирилиши зарурлигини белгилаб бера олишлари. 3. Ўқувчиларнинг билиш лаёқатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ўқув материалларини танлашлари ва шу асосда уларга тақдим этиладиган топшириқларни тизимлаштиришлари ҳамда лойиҳа таркибига киритиш.

Бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид педагогик фаолиятларини ташхислаш принциплари ва йўналишлари ўзига хос бўлиб, уларни назарий жиҳатдан таҳлил этиш олий педагогик таълим жараёнини такомиллаштириш учун алоҳида аҳамиятга эга. Бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид педагогик фаолиятларини ташхислашнинг кўйидаги турларини қўллаш эҳтиёжи мавжуд. Улар: бўлажак ўқитувчиларнинг ўзлаштирган педагогик билимлари ва касбий кўникмаларини яхлит тарзда ташхислаш; бўлажак ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид фаолиятларини оралиқ ташхислаш; бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид фаолиятларини қисман ташхислаш; бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид фаолиятларини олдиндан ташхислаш (ташхислаш асосан тестлар, дарс лойиҳаларини тайёрлаш ёрдамида амалга оширилади); бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид педагогик фаолиятлари натижаларини якуний ташхислаш.

Бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид фаолиятларини ташхислашда муайян принципларга таяниш талаб этилади: натижаларни ойдинлаштиришда тезкорлик ва аниқликка эришиш; қўлланиладиган методикаларнинг яхлитлигини таъминлаш; ҳосил қилинган касбий билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг ўқув жараёнини самарали лойиҳалаш учун муҳимлигига эришиш; бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид фаолиятлари натижаларини қатъий мезонлар асосида баҳоланишини таъминлаш кабилар.

Бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш кўникмалари сифатини ўрганишга қаратилган педагогик фаолият давомида бир қатор методлардан фойдаланилди. Улар: 1. Бўлажак ўқитувчи касбий фаолиятининг психологик хусусиятларини аниқлашга хизмат қиладиган методлар. 2. Бўлажак ўқитувчининг ўқув жараёнини лойиҳалашга оид касбий педагогик фаолиятини ташхислашга хизмат қиладиган методлар. 3. Бўлажак ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари натижаларини ташхисловчи методлар. 4. Бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид фаолиятлари натижаларини аниқлаш мақсадида

кўлланиладиган ташхисловчи методлар. 5. Бўлажак ўқитувчилар томонидан эгалланган касбий фаолиятнинг психологик хусусиятларини аниқлашга хизмат қиладиган методлар. Мазкур методлар ёрдамида дастлабки кузатиш ҳаракатлари амалга оширилади. Шу билан бир қаторда, ушбу методлардан талабаларнинг касбий қизиқишларини аниқлаш, лойиҳалашга оид фаолиятларининг дастлабки кўринишларини таҳлил қилиш учун фойдаланилади. Шунингдек, ушбу методдан бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид фаолиятлари динамикасини ҳам аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Талабаларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш кўникмаларининг ривожланганлик даражасини кузатиш жараёни бир қатор талабларга риоя қилинган ҳолда ташкил этилиши керак. Улар: 1. Кузатиш жараёнининг белгиланган мақсадга йўналтирилганлиги; бунда талабаларда шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш кўникмаларининг шаклланганлиги кузатилади. 2. Кузатиш жараёнининг режали тарзда амалга оширилиши; бунда кузатиш бошлангунга қадар муайян вазифаларни белгилаш, аниқланган кўрсаткичлар, камчиликлар, хатоларни бартараф этиш йўллари, кутилаётган натижаларни режалаштириш мақсадга мувофиқдир. 3. Кузатишнинг мустақил фаолият эканлиги; таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаштиришда талабаларда мустақил фикрлаш кўникмаларининг намоён бўлиши таъминланади. 4. Кузатишнинг табиий педагогик жараён эканлиги; кузатиш бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид фаолиятларини таҳлил қилиш асосида амалга оширилиши керак. 5. Кузатиш жараёнининг изчиллиги; талабаларнинг таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид кўникмаларининг ривожланиш динамикасини тизимли тарзда амалга ошириш лозим. 6. Кузатиш жараёнининг холислиги; кузатувчи профессор-ўқитувчи ўзининг фаразларини асослаш учун бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид фаолиятларини холис баҳолашга хизмат қиладиган далилларни излаб топиши керак. 7. Кузатишнинг ифодалилик характериға эгалиги; бунда бўлажак ўқитувчиларда шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга оид кўникмаларнинг шаклланганлиги кузатиш фаолияти натижасида аниқ ифодаланиши лозим.

Тўртинчи боб **“Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш тизимининг самарадорлиги”** деб номланган бўлиб, мазкур бобда бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришга оид фаолиятини ташкил этиш методикаси ҳамда бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш тизимининг самарадорлиги ва статистик таҳлили баён этилган.

Бўлажак ўқитувчиларни акмеологик ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга ўргатишда бир қатор ҳолатларға алоҳида эътибор қаратиш лозим: 1. Лойиҳалаштириладиган таълим-тарбия жараёни

ўқувчиларни ривожлантириш имкониятига эга бўлиши, бўлажак ўқитувчи эса мазкур жараёни лойиҳалаш ва ташкил этишга ҳар томонлама тайёр бўлиши. 2. Таълим-тарбия жараёнининг лойиҳаси шахсга йўналтирилган таълимнинг концептуал асосларига мувофиқ келиши. 3. Таълим-тарбия жараёни лойиҳасида ўқитувчининг шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишга оид фаолият йўналишлари аниқ ифодаланган бўлиши.

Бўлажак ўқитувчилар шахсга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш учун муайян талабларга риоя қилишлари керак: 1. Анъанавий таълим жараёнида қўлланиладиган усул, метод ва воситаларнинг самарадорлик даражасини ташхислаш асосида аниқлай олишлари. 2. Ўқувчиларнинг кучли ҳамда кучсиз томонларини фарқлай олишлари. 3. Бўлажак ўқитувчилар ўқувчиларда ўз фаолиятларини тўғри баҳолаш кўникмаларини ҳосил қилишга оид педагогик-психологик билимларни ўзлаштирган бўлишлари. 4. Дарс жараёнида ўқувчиларни рағбатлантириш ва танбеҳ бериш методларини билишлари, улардан ўз ўрнида фойдалана олиш тажрибасига эга бўлишлари. 5. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларга тўғри ёндашишга оид педагогик-психологик билимларга эга бўлишлари. 6. Ўқувчиларда ўз хатоларини топиш ва тан олиш кўникмасини ҳосил қилиш механизмларини билиш.

Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш кўникмаларининг ривожланганлик даражасини қуйидаги мезонлар асосида аниқлашга ҳаракат қилдик: бўлажак ўқитувчилар Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг асосий параметрларини яхши билишлари; таълимнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг хусусий мақсадлари ва шахсга йўналтирилган ўқув топшириқларини тўғри белгилай олишлари; ўқув жараёнининг таркибий қисмларини яхши билишлари; таълим-тарбия жараёнини ўқувчини ривожлантириш нуқтаи назардан ёндашган ҳолда лойиҳалаштириш ва ташкил эта олиш кўникмаларига эга бўлишлари; ўзларининг шахсий-касбий эҳтиёжларини қондиришга оид билимлар захирасига эга бўлишлари; ўзларини ахлоқий, ҳиссий, касбий жиҳатдан бошқара олиш кўникмасига эга бўлишлари; ўз жамоаларида ҳар доим лидер сифатида намоён бўлишга эришишлари; қабул қилинган қарорлар учун масъулиятни ўз зиммаларига ола билишлари; ҳар доим ўзларининг педагогик ташаббускорликлари, ижобий ва самарали фикрларини намоён эта олишлари; ўқувчининг шахсий ривожланишида ўқитувчи ҳамда шахсга йўналтирилган таълимнинг ўрни муҳимлигини яхши англаб етган бўлишлари; ўз фаолиятларида мунтазам ташхислаш методларидан фойдаланиш кўникмаларини эгаллаган бўлишлари; ўз фаолиятларида таълим технологияларидан мунтазам, самарали фойдалана олишлари; энг янги педагогик-психологик билимлар, ахборот технологиялари билан қуролланган бўлишлари; муайян хорижий тиллардан бирини яхши билишлари; таълим-тарбия жараёнида вужудга келган қарама-қаршиликлар, муаммоларни билимдонлик билан ҳал қила олишлари; вужудга келадиган камчиликларни аниқ тасаввур эта олишлари ва уни бартараф этиш йўллари билишлари;

таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган педагогик билимларни эгаллаган бўлишлари; таълимнинг концептуал, назарий асослари, тушунчалари, технологиялари, уни ташкил этиш методикаларини ўзлаштирган бўлишлари лозим.

Акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантиришга оид педагогик тизимнинг самарадорлик даражасини статистик таҳлил асосида кўрсатдик. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнига акмеологик ёндашув принципини жорий этиш асосида уларда шахсга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаш кўникмасининг жадал ривожланишини таъминлашга муваффақ бўлдик. Бу соҳадаги тажриба-синов ишларини 2011-2016 йиллар давомида мунтазам тарзда амалга оширдик. Тажриба-синов ишлари Андижон, Фарғона, Бухоро, Қарши, Урганч давлат университетлари, Навоий, Нукус давлат педагогика институтларида ўтказилди.

Юқорида қайд этилган олий ўқув юртларининг педагогика факультетлари талабалари респондентлар сифатида иштирок этишди. Бўлажак ўқитувчиларда таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш даражаси мужассамлашган назарий-эмпирик, амалий-моделлаштирувчи, ижодий-таҳлилий босқичларда амалга оширилди.

Тажриба-синовнинг ҳар бир босқичи якунида талабаларнинг таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмалари даражаси уларни шакллантириш изчиллигига мувофиқ ривожлантирилди.

1-жадвал

Талабаларнинг учинчи босқич якунида акмеологик ёндашув асосида ўқув жараёнини лойиҳалаштириш кўникмаларининг ўзлаштирилганлик даражаси самарадорлиги

Бўлажак ўқитувчиларнинг дидактик лойиҳаларнинг ўзлаштирилганлик босқичи	Ўзлаштириш даражалари					
	Назорат гуруҳида			Тажриба гуруҳида		
	Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
	Сонда % да	Сонда % да	Сонда % да	Сонда % да	Сонда % да	Сонда % да
Мужассамлашган назарий эмпирик	137 33,9	132 32,7	135 33,4	186 47,2	160 40,6	49 12,2
Амалий-моделлаштирувчи	139 34,4	131 32,4	134 33,2	186 47,2	158 40	51 12,8
Ижодий-таҳлилий	129 31,9	142 35,2	133 32,9	189 47,4	160 40,8	46 11,8


Юқоридаги жадвалда келтирилган натижаларда кўриниб турибдики, олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларда ўқув жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини шакллантириш ва мунтазам ривожлантириш истиқболда педагогик жараёнларнинг сифатини таъминлаш нуқтаи назаридан самаралидир. Бунга келтирилган статистик таҳлилларимиз натижасида ишонч ҳосил қилдик. Келтирилган жадвалда акс этган натижаларга асосланган ҳолда олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларда ўқув жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини шакллантириш ва мунтазам ривожлантириш

самарадорлигинианиклаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари асосида бўлажак ўқитувчиларнинг учинчи босқич назорат ва тажриба гуруҳлари ўртача ўзлаштиришларини Стьюдент ва Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Тажриба-синовда 404 нафар бўлажак ўқитувчи назорат ҳамда 395 нафар бўлажак ўқитувчи тажриба гуруҳида қатнашдилар


Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири ҳар бир босқич якунида назорат гуруҳидаги респондентларнинг ўртача баллари, иккинчиси эса тажриба гуруҳи респондентларининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади. Юқоридаги жадвал асосида тажриба ва учинчи босқич бошида ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотезани танлаймиз.

Жадвал кўрсаткичлари якуний тажриба-синов даврида тажриба гуруҳида қўлга киритилган кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги натижаларга нисбатан ижобий моҳият касб этганлигини аниқлашда, бироқ мазкур хулосани тасдиқлаш ва ҳар икки гуруҳ томонидан якунловчи тажриба-синов даврида қайд этилган натижаларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш учун мужассамлашган назарий-эмпирик, амалий-моделлаштирувчи ва ижодий-таҳлилий босқичларда статистик таҳлил амалга оширилди.


Юқоридаги жадвал кўрсаткичларига мос диаграмма қуйидагича кўринишни олди:



5-расм. Мужассамлашган назарий-эмпирик.



6-расм. Амалий моделлаштирувчи.



7-расм. Ижодий-таҳлилий.

Юқоридаги натижаларга асосан натижалар математик-статистик таҳлил қилиниб, тажриба-синов якунидаги ҳолат учун мужассамлашган назарий-

эмпирик, амалий-моделлаштирувчи ва ижодий-таҳлилий босқичларда ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъудентнинг танланма мезони, Стъудент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди.

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
2,35	2,01	0,4675	0,6699	1	2	6,3	764,6	50,31	0,07	0,08
2,34	2,02	0,4844	0,6796	1	2	6,04	764,6	56,55	0,07	0,08
2,35	1,99	0,4675	0,6499	1	2	6,79	784	55,2	0,07	0,08

Натижалардан тажриба ва назорат гуруҳи учун Нейман ғояси асосида ишончли интерваллари топилди:

$$\bar{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \quad \bar{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$2,35 - 0,07 \leq a_x \leq 2,35 + 0,07 \quad 2,01 - 0,08 \leq a_y \leq 2,01 + 0,08$$

$$2,28 \leq a_x \leq 2,42 \quad 1,93 \leq a_y \leq 2,09$$

Амалий-моделлаштирувчида:

$$2,34 - 0,07 \leq a_x \leq 2,34 + 0,07 \quad 2,02 - 0,08 \leq a_y \leq 2,02 + 0,08$$

$$2,27 \leq a_x \leq 2,41 \quad 1,94 \leq a_y \leq 2,1$$

Ижодий таҳлилийда:

$$2,35 - 0,07 \leq a_x \leq 2,35 + 0,07 \quad 1,99 - 0,08 \leq a_y \leq 1,99 + 0,08$$

$$2,28 \leq a_x \leq 2,42 \quad 1,91 \leq a_y \leq 2,07$$

Олинган натижалардан тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Мужассамлашган назарий-эмпирикда:

Бизга маълум $\bar{X}=2,35$; $\bar{Y}=2,01$ $\Delta_x = 0,07$; $\Delta_y = 0,08$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{ycb} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,35 - 0,07}{2,01 + 0,08} = \frac{2,28}{2,09} = 1,09 > 1;$$

$$K_{bdb} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,35 - 0,07) - (2,01 - 0,08) = 2,28 - 1,93 = 0,35 > 0;$$

Амалий моделлаштирувчида:

Бизга маълум $\bar{X}=2,34$; $\bar{Y}=2,02$ $\Delta_x = 0,07$; $\Delta_y = 0,08$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{ycb} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,34 - 0,07}{2,02 + 0,08} = \frac{2,27}{2,1} = 1,08 > 1;$$

$$K_{bdb} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,34 - 0,07) - (2,02 - 0,08) = 2,27 - 1,94 = 0,33 > 0;$$

Ижодий-таҳлилийда:

Бизга маълум $\bar{X}=2,35$; $\bar{Y}=1,99$ $\Delta_x = 0,07$; $\Delta_y = 0,08$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{ycb} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,35 - 0,07}{1,99 + 0,08} = \frac{2,28}{2,07} = 1,1 > 1;$$

$$K_{bdb} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,35 - 0,07) - (1,99 - 0,08) = 2,28 - 1,91 = 0,37 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба-синов якунидаги ўзлаштириш бошидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини шакллантириш ва мунтазам ривожлантириш бўйича мужассамлашган назарий-эмпирик, амалий-моделлаштирувчи ва ижодий-таҳлилий ўзлаштириш даражалари самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

ХУЛОСА

Бўлажак ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш ва ташкил этишга оид билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш ва уни самарали ташкил этишга бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш ҳамда уларни акмеологик ёндашув асосида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари билан қуроллантиришга оид назарий ёндашувлар ва амалий тажрибаларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, педагогика фанида таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш муаммоси назарий-эмперик жиҳатдан ўз ечимини топмаган. Шунга кўра, шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш ва уни ташкил этишга бўлажак ўқитувчиларни акмеологик ёндашув асосида тайёрлашнинг шарт-шароитлари, бу жараённинг мазмуни, шакллари, усуллари, методлари, механизмларини аниқлаш каби масалалар ўз ечимини кутмоқда.

2. Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга қаратилган педагогик фаолият ўзининг дидактик ҳамда психологик хусусиятларига эга бўлиб, мазкур хусусиятларни аниқлаш орқали бўлажак ўқитувчи касбий фаолиятини сифат жиҳатдан такомиллаштириш имконияти вужудга келади. Акмеологик ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш ўқитувчининг касбий вазибалари сирасига кириб, талабаларни бундай жараёнга тайёрлаш учун уларни назарий жиҳатдан қуроллантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таҳлилларимиз натижасида аён бўлди.

3. Бўлажак ўқитувчиларни акмеологик ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш учун бу соҳада мавжуд бўлган ёндашувлар, тушунчалар,

қарашларни тўплаш, таҳлил этиш асосида ишлаб чиқилган назарий-методик тавсияларни олий педагогик таълим тизимида жорий этиш зарурияти кучайди.

4. “Устоз-шогирд” мактаблари учун махсус дастурлар яратиш ҳамда бу дастурларни Буюк Британия, АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Франция, Россиядаги ўқитувчиларни тайёрлаш соҳасидаги илғор тажрибалар билан бойитиш тақозо қилинмоқда.

5. Бўлажак ўқитувчиларни дарсни лойиҳалаштиришга тайёрлаш учун нафақат уларни ўқув материалларини батафсил таҳлил қилиш, балки мавзунини ўрганиш босқичларидан келиб чиққан ҳолда, уни таркиблаштириш, кутилаётган саволлар ва жавобларни аниқлаш, ўқув материаллари билан ишлаш жараёнида ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилишга одатлантириш талаб этилади.

6. Акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг таълим жараёнини лойиҳалаш ва ташкил этиш кўникмаларининг мавжуд даражаларини аниқлашда профессор-ўқитувчилар ташхислашнинг турларини билишлари ва уни амалга оширишда муайян принципларга амал қилишлари назарда тутилади.

7. Бўлажак ўқитувчиларнинг шахсга йўналтирилган таълим жараёнини лойиҳалаш ва ташкил этиш кўникмаларининг мавжуд даражасини ташхислаш жараёни барча талабаларни тўлиқ қамраб олиши ва касбий инновацион фаолият тараққиётининг муайян параметрлари бўйича тизимли ташхислаш усуллари ва йўллари қўллашга эришиш имконини бериши лозим.

8. Бўлажак ўқитувчиларнинг таълим жараёнини лойиҳалаш ва ташкил этишга оид кўникмалари даражасини ўрганиш доирасида белгиланган вазифаларга мувофиқ тарзда қўлланиладиган методлар бир неча гуруҳларга бўлинади.

9. Бўлажак ўқитувчиларни дидактик жараёнларни лойиҳалашга тайёрлаш босқичлари алоҳида аҳамиятга эга эканлиги тадқиқотларимиз ва педагогик амалиётни кузатиш жараёнида аён бўлди.

10. Педагог-ҳодимлар талабаларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашга тайёрлаш учун шахсга йўналтирилган таълим концепцияси, асосий тушунчаларини талабалар онгига етказишга хизмат қиладиган педагогик вазиятлар, савол ва топшириқлар, семинарлар, тренинглар, конференцияларнинг мазмунини аниқ ишлаб чиқишлари талаб этилади.

11. Амалга оширилган педагогик тажриба-синов ишлари бўлажак ўқитувчиларда шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг самарадорлигидан далолат берди. Буни амалга оширган статистик таҳлилларимиз ҳам яққол кўрсатмоқда. Олинган натижалар тадқиқот фарази тўғрилигини асослаш имкониятини берди.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни тавсия қиламиз.

1. Педагогика туркум фанлар мазмунига акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда дидактик лойиҳалашга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мунтазам ривожлантиришга хизмат қиладиган мавзуларни киритиш.

2. Профессор ўқитувчиларни маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини акмеологик ёндашув асосида ташкил этишлари учун талабаларда ўқув жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган ўқув материаллари, савол ва топшириқлар, дидактик вазиятлар, модул-йўриқномалар билан қуроллантириш.

3. Талабаларнинг битирув малакавий ишлари сифатида дидактик лойиҳаларни тайёрлаш, уларни назарий жиҳатдан асослашга хизмат қиладиган мавзуларни тақдим этиш.

4. Профессор-ўқитувчиларни бўлажак ўқитувчиларнинг дидактик лойиҳалашга оид касбий компетенцияларини шакллантириш ва бойитиш ҳамда унинг шаклланганлик даражасини ташхислаш методикалари билан қуроллантириш.

5. Бўлажак ўқитувчиларни келажакдаги касбий фаолиятга тайёрлаш мақсадида тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган “Акмеологик ёндашув асосида таълимни дидактик лойиҳалаш” курсини амалиётга кенг тадбиқ этиш.

6. Олий педагогик таълим жараёни субъектларининг касбий тафаккурини шакллантириш мақсадида ўқув материаллари ва машғулотлар мазмунини танлашда муайян ҳолатларга таяниш:

а) олий педагогик таълим жараёни субъектларида педагогик тафаккурни шакллантиришнинг асосий шакллари, методлари, воситаларини аниқлаш ва оммалаштириш;

б) аниқланган педагогик шакллар, методлар ёрдамида узлуксиз педагогик таълим жараёни субъектларида касбга тайёргарлик майлларини ривожлантириш;

в) узлуксиз педагогик таълим субъектларининг мустақил билим олишга йўналтирилган фаолиятли йўналишларини аниқлаш;

д) узлуксиз педагогик таълим жараёни субъектларини ўзларининг билиш фаолиятларини тизимли тарзда мустақил бошқаришга тайёрлаш.

7. Узлуксиз педагогик таълим жараёни субъектларида касбий-педагогик тафаккурни шакллантириш мақсадида узлуксиз таълим мазмунини модернизациялаш, унинг мақсади, методлари ва оптимал шаклларини белгилаш, босқичлари ҳамда мақсадга эришиш имконини берадиган воситаларини ишлаб чиқиш.

8. “Устоз-шогирд” мактаблари учун махсус дастурлар яратиш ҳамда бу дастурларни Буюк Британия, АКШ, Германия, Жанубий Корея, Франция, Россиядаги ўқитувчиларни тайёрлаш соҳасидаги илғор тажрибалар билан бойитиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

МАЪМУРОВ БАХОДИР БАХШУЛЛАЕВИЧ

**СИСТЕМА РАЗВИТИЯ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАВЫКОВ
ПРОЕКТИРОВАНИЯ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА НА ОСНОВЕ
АКМЕОЛОГИЧЕСКОГО ПОДХОДА**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент–2018

Тема диссертации доктора педагогических наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.DSc/Ped31.

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tgpi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант: **Сафарова Рохат Гайбиллаевна**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ибрагимов Холбой Ибрагимович**
доктор педагогических наук, профессор
Муслимов Нарзулло Алиханович
доктор педагогических наук, профессор
Махмудов Абдухалим Хамидович
доктор педагогических наук

Ведущая организация: **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета _____ при Ташкентском государственном педагогическом университете по адресу: 100011, г.Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирован за №.____). Адрес: 100185, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2018 года).

Ш.С.Шарипов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

Р.Г.Исянов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н, доцент

Л.Р.Муминова
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире приоритетными считаются вопросы формирования профессиональной компетенции учителей на основе акмеологического подхода, повышения их инновационного, креативного потенциала, развития навыков проектирования на основе усвоенных психолого-педагогических, знаний необходимых в перспективе для профессиональной деятельности. В ведущих научно-исследовательских и образовательных учреждениях осуществляются научные исследования по проектированию учебного процесса на основе акмеологического подхода и развитию технологий подготовки будущих специалистов к профессиональной деятельности, достижения высокого уровня совершенствования этнопедагогических и психологических ценностей в процессе профессиональной подготовки.

Развитие науки и техники в мировых масштабах, интенсификация глобального потока информации, повышение требований к развитию профессиональных способностей личности усилило необходимость совершенствования содержания и технологии развития компетентности будущих учителей в планировании учебного процесса на основе акмеологического подхода. Актуальное значение приобретает исследование вопросов совершенствования педагогических механизмов организации и управления образовательно-воспитательной деятельностью в системе высшего образования на основе применения методов коррекции; формирования профессиональной культуры, навыков проектирования образовательных технологий будущих учителей на основе акмеологического подхода; развитие профессионального мышления студентов на основе инновационных технологий интегрирования педагогических возможностей аудиторных и внеаудиторных занятий, перспективных направлений моделирования.

В нашей республике модернизируется нормативно-правовая и материально-техническая инфраструктура подготовки высококвалифицированных педагогических кадров, учебно-дидактическое обеспечение организации образовательно-воспитательных процессов. Разработаны эффективные механизмы профессионального формирования будущих учителей, основанные на национальных и общечеловеческих ценностях, обеспечен приоритет личностно-ориентированного образования. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены приоритетные задачи «продолжения курса дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения доступности качественных образовательных услуг, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»¹. При этом, важную роль, в свою очередь,

¹ См.: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

играет развитие навыков будущих учителей проектирования образовательного процесса на основе акмеологического подхода.

Диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, определенных в постановлении Президента Республики Узбекистан ПК-1533 от 20 мая 2011 года «О мерах по улучшению материально-технической базы высших образовательных учреждений и кардинальному улучшению качества подготовки высококвалифицированных специалистов», Законе Республики Узбекистан «О государственной молодежной политике», принятом 14 сентября 2016 года, Указе Президента УП-4949 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №187 от 6 апреля 2017 года «Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального профессионального образования», постановлении Президента ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования с приоритетными направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан I «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹. Исследования в области совершенствования технологий подготовки будущих учителей к деятельности по проектированию образовательного процесса осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе в University of Strasbourg (Франция), Rheinische Friedrich-Wilhelms-Universität Bonn (Германия), Princeton university (США), Association for Educational Communications and Technology – AECT (США), Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university (Англия); Seoul National University, Puchong University, Yonsei University, Sungkyunkwan University, Pohang University of Science and Technology, Pusan National University, Chonbuk National University (Южная Корея), Педагогическом университете Мияги (Япония), Академий Образования (Россия), Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук (Узбекистан).

В области развития навыков студентов проектирования образовательного процесса на основе акмеологического подхода в педагогических высших образовательных учреждениях получены следующие

¹ Данная часть освещена на основе следующих источников: Bandura A. (Ed.). *Self-efficacy in changing societies*.—New York: Cambridge University Press, 1995.; John H. Holland Redwood City, California.—Addison-Wesley, 1998; Botcheva, L., Shih, J., Huffman, L. C. Emphasizing Cultural Competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L. Botcheva, J. Shih, L.C. Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. P. 176-188.

научные результаты: усовершенствованы на основе принципа интеграции стратегии реализации международного сотрудничества в разработке технологий профессионального развития будущих учителей (Pohang University of Science and Technology – Южная Корея); разработана на основе развития креативной активности система подготовки студентов высших образовательных учреждений к деятельности по проектированию учебного процесса (Belfield pedagogical university); создана система психолого-педагогических тренингов по оптимизации умений будущих учителей эффективной организации педагогических процессов, проектирования образовательно-воспитательных задач, применения духовно-нравственных знаний в различных воспитательных ситуациях (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university); разработаны проектно-конструктивные технологии профессионального развития студентов (Chonbuk National University – Южная Корея); усовершенствована технология нейролингвистического программирования формирования нравственности личности будущего педагога (Педагогический университет Мияги); разработана технология воспитания профессиональной культуры у студентов (Российская академия образования); разработана педагогическая система профессионально-личностного развития будущих учителей (Узбекский научно-исследовательский институт педагогических наук).

В ведущих высших образовательных учреждениях мира проводятся научные исследования по развитию профессиональной культуры студентов по следующим приоритетным направлениям: совершенствование на основе диагностики и коррекции педагогических механизмов организации и управления образовательно-воспитательной деятельности в высших образовательных учреждениях; совершенствование профессиональной креативной деятельности будущих учителей на основе акмеологического подхода; разработка механизмов формирования навыков проектирования педагогических процессов будущих учителей; моделирование подготовки студентов к деятельности по организации педагогических процессов на основе интеграции аудиторных и внеаудиторных занятий.

Степень изученности проблемы. Вопросы формирования профессионально-личностных качеств будущих учителей, подготовки их к педагогической деятельности в перспективе, формирования креативной подготовки, развития навыков профессионального творчества изучены в научно-исследовательских работах таких ученых и исследователей, как Б.С.Абдуллаева, А.Р.Арипжанова, Н.Н.Азизходжаева, Х.Абдукаримов, Р.Х.Джураев, Б.Р.Джураева, Х.И.Ибрагимов, Р.Г.Исянов, Н.А.Муслимов, У.Нишоналиев, Б.Х.Рахимов, У.К.Толипов, М.Б.Уразова, Ш.С.Шарипов, Н.Ш.Шодиев, Н.Ш.Эркабоева, Д.И.Юнусова, Ж.Г.Йулдошев, О.К.Хайдарова; теоретические и практические основы, условия подготовки будущих учителей к профессиональной педагогической деятельности, этапы формирования педагогического мастерства отражены в работах Б.Р.Адизова, Р.Ш.Ахлидинова, Ш.Р.Баротова, М.Г.Давлетшина, Ш.К.Мардонова, У.К.Мусаева, Р.Г.Сафаровой, Н.С.Сафоева, Э.А.Сейтхалилова,

Г.Б.Шоумарова, Ж.Г.Йулдошева, Ш.Э.Курбонова, Э.Гозиева; психолого-педагогические проблемы личностно-ориентированного педагогического процесса освещены в исследованиях А.А.Абдукодирова, У.Ш.Бегимкулова, Н.И.Тайлакова¹ и др.

Учение СНГ А.А.Бодалев, А.Деркач, Н.В.Кузьмина, А.Реан, Е.Рыбалко и др. изучали предмет, задачи акмеологии, её значение в деятельности личности, место и роль в совершенствовании будущих специалистов.

